

Бирлашган Араб Амирликларига олий даражадаги ташриф якунида қабул қилинган келишув ва битимларни амалга ошириш бўйича асосий вазифалар белгилаб берилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 апрель куни ўтган ҳафта Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташриф доирасида эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш масалаларига багишлиланган йиғилиш ўтказди.

Аввал хабар қилинганидек, давлатимиз раҳбари Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Куролли Кучлари Олий Бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён, БАА Вице-президенти, Бош вазир, Дубай амири Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум ҳамда ушбу мамлакат ҳукумати аъзолари ва қатор етакчи компаниялари раҳбарлари билан самарали учрашув ва музокаралар ўтказди.

Икки томонлама тадбирлар якунида Қўшма баёнот ҳамда қатор муҳим келишувлар, жумладан, умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган истиқболли инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш бўйича битимлар имзоланди.

Ушбу келишувлар инновациялар, нефть-газ тармоғи, анъанавий ва муқобил энергетика, замонавий инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим каби ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини қамраб олган.

Таъкидлаш жоизки, ташриф давомида БААнинг олий даражадаги раҳбарияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва янгиланишларни бир неча бор эътироф этиб, уларни тўлиқ қўллаб-қувватлади. Амирликлар ишбилармон доиралари мамлакатимизга тобора катта қизиқиш билдираётгани Ўзбекистонга ишонч ортиб бораётганидан далолат беради.

Йиғилишда Президентимиз эришилган келишувларнинг ўз вақтида ва сўзсиз ижросини таъминлаш лозимлигини қайд этиб, қабул қилинган "йўл харитаси"ни амалга оширишини самарали усул ва механизmlарни жорий этган ҳолда дарҳол бошлаш муҳим эканини таъкидлади.

БААнинг етакчи компания ва ташкилотлари билан биргаликда амалга ошириладиган устувор қўшма лойиҳалар сифатида "Навоий" қуруқлик порти ва эркин иқтисодий зонасини ривожлантириш, мамлакатимизда углеводородлар қазиб олишни кўпайтириш ва уларни чуқур қайта ишлаш, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси ва бошқа ИЭСларни модернизация қилиш ва кенгайтириш, қуёш ва шамол электр станцияларини, Сирдарё

вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводини барпо этиш ва бошқалар белгиланди.

Бундан ташқари, агросаноат кластерларини ташкил этиш ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги экспорт салоҳиятини юксалтириш, Самарқанд шаҳрида туризм ва коммунал инфратузилмани, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини, жумладан, Абу-Даби тараққиёт фонди иштирокида таъсис этилаётган низом жамғармаси 1 миллиард доллар бўлган инвестиция компанияси маблағларини жалб этган ҳолда қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, "Масдар" компанияси ва Ал Халифа университети билан қўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида БААда ўз ваколатхонасини очади.

Давлатимиз раҳбари "йўл харитаси"да белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича аниқ топшириqlар берди.

Вазирлар Махкамаси, вазирлик ва идоралар, тармоқ компаниялари раҳбарларига энг қисқа муддатда инвестиция лойиҳаларининг тармоқ жадвалини тасдиқлаш ва уларни амалга оширишни бошлиш, олий даражада эришилган Ўзбекистон – БАА келишувларининг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича самарали механизmlарни жорий этиш вазифаси қўйилди.

[ЎзА](#)